Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
14 июль
ШАНБА

№ 55
(12.483)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлмиш 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуғ ва табаррук бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Азал-азалдан тўқчилик, аввало кўзнинг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўкинлиги, рўзғорнинг қут-баракаси буғдойнинг, нонниг серoблиги билан белгилаб келинади, десак, ҳаётий ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ер юзидаги барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, эзгу орзу-ниятларини биринчи навбатда шу азиз неъмат тимсолида тасаввур қилиши бежиз эмас, албатта.

Муҳтарам юртдошлар!

Олижаноб, заҳматкаш деҳқонларимиз том маънода улкан зафарни қўлга киритган мана шундай хурсандчилик кунда, табиийки, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш мақсадида босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлимизни яна бир бор беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш учун кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига донни четдан келтиришга мажбур эди.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам бериш, юртимизда пахта яккаҳокимлигига чек қўйиб, ғаллачилик тармоғини замонавий асосда ривожлантиришни ўз олдимизга устувор, ҳал қилувчи вазифа қилиб қўйдик.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ватанимиз ғалла мустақиллигини қўлга киритиб, нафақат ўттиз миллионли халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айни пайтда четга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга эришгани учун, шундай ёруғ кунларга етказгани учун барчамиз Яратганимизга шукроналар айтишимиз табиийдир.

Мустақиллик йилларида айнан ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизни баъзи бир рақамлар мисолида ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, биз эришган натижалар дунёдаги манаман деган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортиши шубҳасиз, деб ўйлайман. Агарки 1991 йилда республикамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда жамғарилган ғалла хирмони 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошганининг ўзи бизнинг қиёслаш ҳам қийин бўлган қандай юксак марраларга эришганимизни яққол тасдиқлайди.

Бугун кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётган ана шундай юксак марраларга қандай омил ва мезонлар ҳисобидан эришаётганимизни таҳлил қилар эканмиз, юртимизда яшайдиган, нон деган бебаҳо неъматдан ҳар куни баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон бу ҳақда хабардор бўлишини истардим.

Афсуски, биз кўпинча кундалик юмушлар билан банд бўлиб, қўлга киритган натижаларимизни худдики ўз-ўзидан бўлган табиий бир ҳол, деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Аслида эса бундай ютуқларимиз замирида аввало деҳқон ва фермерларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассам бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди албатта.

Биргина селекция соҳасини оладиган бўлсак, янги ғалла навларини етиштириш, уларни юртимизнинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига мослаштириш, турли касалликларга чидамлилик хусусиятларини ошириш учун қанча сабр-тоқат, қанча билим ва маҳорат, ўз ишининг натижасига қандай катта ишонч бўлиши керак.

Айни вақтда ғаллачиликда учрайдиган турли касалликлар – бу занг, қоракуя ёки хасва бўладими, чигиртка балоси ёки бошқа зараркунанда ҳашаротлар бўладими – барчасидан кечаю кундуз огоҳ бўлиб, уларга қарши ўз вақтида чора кўриш, ҳар туп кўчат атрофида парвона бўлиб, меҳр билан парвариш қилиш ҳисобидан мўл ҳосил етиштириш қанча-қанча меҳнат, куч-ғайрат талаб қилишини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

**Шу борада ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқлари ва халқимизнинг қадимий деҳқончилик маданияти асосида ўзига хос агротехника мактаби шаклланиб, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Барчамизга маълумки, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши оқибатида намлик даражасининг меъёридан ортиқ бўлиши ғалла кўчатларининг чириб кетиш хавфини туғдирди. Бу хавфнинг олдини олиш мақсадида, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, **ғалла кўчатларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.** Бунинг учун жами 10 миллион 200 минг тонна маҳаллий ўғит тўпланиб, **ҳар гектар майдонга ўртача 9 тоннадан ўғит берилди. Натижада нисбатан қисқа муддат – уч ой мобайнида ғалланинг ривожини беш ойлик даражага етказиб олиш имкони туғилди.**

Ана шундай ва бошқа агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш туфайли барча вилоятларимиз, жумладан, намлик даражаси айниқса юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этишга эришдилар.

Бу борада кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликларига берилаётган имтиёзли кредитлар, уларга минерал ўғит, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш бўйича яратилган комплекс тизимнинг самарали ишлаётгани бугунги ғалабага пухта замин бўлганини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаёт синовларида тобланган, тупроқ билан тиллашиб яшайдиган деҳқонларимизнинг азму шижоати, ишни тўғри ташкил этиши ҳисобидан ўртача ҳосилдорлик Андижон вилоятида 62,2 центнерга, Бухоро ва Фарғона вилоятларида 58 центнерга, Самарқанд вилоятида 55,4 центнерга, Қашқадарё вилоятида 55 центнерга, Тошкент вилоятида 54 центнерга етганини мамнуният билан қайд этамиз.

Бу кўрсаткич Олтинкўл, Пахтаобод, Избоскан, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Косон, Нишон, Касби, Учқўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Олтиариқ, Қува, Денов, Пискент, Оққўрғон, Дўстлик, Хатирчи, Боёвут туманларида 60-68 центнердан юқори бўлгани айниқса таҳсинга муносибдир.

Пахтачи туманидаги "Хушанов даласи" ва Олтиариқ туманидаги "Сожида Жўраева" фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 97 центнерга, Вобкент туманидаги "Янгикент жилоси" ва Иштихон туманидаги "Жаф" фермер хўжаликларида 87 центнерга, Олтинкўл туманидаги "Латифжон ери" ва Денов туманидаги "Мавлуда Исмоилова" фермер хўжаликларида 85 центнерга, Бухоро туманидаги "Аброр Ғайбулла" фермер хўжалигида 81 центнерга, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон Баҳодирхон" фермер хўжалигида 80 центнерга етгани деҳқончилигимиз тарихида илгари мутлақо учрамаган юксак кўрсаткич сифатида одамни ҳайратга солиши табиийдир.

**Энг асосийси, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далилидир.**

Табиийки, буларнинг барчаси далада ишлайдиган одамларнинг, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган, узоқни кўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг изчил давоми сифатида барчамизга мамнуният бағишлайди.

**Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намоён этаётгани,** фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далолат беради.

**Фурсатдан фойдаланиб, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган фермерлик ҳаракати ривожини бугун замон талаб қилаётган янги босқичга кўтариш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.**

Азиз дўстлар!

Бугунги шодиёна кунда сиз, заҳматкаш ғаллакорларни, бу улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган механизатор ва комбайнчиларни, мутахассисларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман. Дала ишларини мана шундай ғайрат-шижоат билан давом эттириб, пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар бўйича ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан якунлайсиз, деб ишонаман.

**Фидокорона ва олижаноб меҳнатингиз учун, мардлик ва матонатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.**

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик аримасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти.**

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**



# ЕРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАЧА

**Оҳангарон туманининг ўзига хос иқлим шароити бу ердаги деҳқонлардан ерга бироз бошқачароқ муносабатни талаб этади. Қир шароитига мос экин турини танлаш, агротехник талабларни оғишмай бажариш лозимлиги ҳудуднинг инжиқ тарафларидан.**

Тумандаги "Ўзбекистон" фермер хўжалиги ерлари ҳам қирликлардан иборат.

– Аслида ер майдонимиз унчалик катта эмас, – дейди фермер Абдумажид Йўлдошев. – Етмиш гектар майдонда зироатчилик қилиб, ризқимизни тераяпмиз. Бу мавсумда 50 гектар ерда ғалла етиштирдик. Давлатга ғалла сотиш шартнома режасини 102 фоиз қилиб, ортиғи билан уддаладик. Аммо, деҳқон сифатида бу йилги ишимиздан кўнглим тўлмади. Чунки, менинг мақсадим фақатгина шартномани бажариш эмас, балки, ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ернинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ундан янада унумли фойдаланишдир.

Бу йил хўжаликда уруғликнинг "Сирожиддинов" ҳамда янги "Таня" нави экилди ва кўзланган ҳосил олинди. Фермернинг айтишича, ҳосилдорликни икки баробар ошириш мумкин. Чунки, иккала уруғлик нави ҳам серҳосил. Фақат гектарига экиладиган уруғликни бироз кўпайтириш лозим. Қирда турли ёввойи паррандаларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Яъни, кузда сепилган уруғнинг қарийб 25-30 фоизини улар еб кетади ва сийрак унишига сабаб бўлади.

– Келаси мавсумда гектарига 300 килограммга яқин уруғ экмоқчиман, – дейди фермер. – Шунда униб чиқиш даражаси юқори бўлади ва ҳосилдорлик ҳам ошади.

– Қирнинг яна бир хусусияти шундаки, сувни ўз вақтида ва меъёрида бермасангиз ҳам куйиб қолишингиз ҳеч гап эмас, – дейди пировардида Абдумажид Йўлдошев. – Масалан, экинларни суғориш жараёнида вилоятнинг бошқа ҳудудларига ўхшаб қўрқмай сувни босавермайсиз. Кўп қўйиб юборсангиз ҳаммаёқни ювиб кетади, кам оқизсангиз эгатларнинг боши кўллаб, охирига етиб бормайди ва уруғликни чиритиши мумкин.

Хўжаликда кунгабоқар ва пиёз ҳам етиштирилмоқда. 10 августдан уларни йиғиштириб олишга киришилади. Бу йил об-ҳавонинг қулай ва серёғин келгани экинларга ижобий таъсир этди. Кунгабоқар ва пиёзнинг бугунги ривожи ҳосил баракали бўлишидан дарак бериб турибди. Хўжаликнинг даромади ҳам шунга яраша бўлади.

– Ўтган йили 30 миллионга яқин соф даромад олган бўлсак, бу йилги режамиз анча кўпроқ, – сўзида давом этади фермер. – Бунга хўжалигимиз техника базасини мустаҳкамлашни мўлжаллаяпмиз.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати"**
**мухбири.**

**СУРАТДА:** Абдумажид Йўлдошев туман бош ҳосилоти Равшан Беккулов билан.

**Муаллиф олган сурат.**

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида "Имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларнинг ижтимоий муаммолари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

## БУЮК ДАВЛАТНИ СОҒЛОМ АВЛОДЛАР ҚУРАДИ

Тадбирда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни таълимга йўналтирувчи махсус мутахассис кадрларни кўпайтириш, мактабгача таълим муассасалари таркибида ногирон болалар учун махсус гуруҳлар ташкил этиш, нуқсони бор, аммо, ногиронлик мақоми берилмаган ногирон болалар рўйхатини 2 ёшлигидан бошлаб туман халқ таълими бўлимлари назорат қилиб бориши ҳамда уларнинг ота-оналарини, болани мактабга тайёрлаш учун бошланғич таълим дастурлари билан таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

**"Туркистон-пресс".**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ОРТИҚЧА ТАШВИШ

**Бугун транспорт воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қилиш мушкул. Чунки, у оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қиладиган беминнат дастёрга айланиб қолди. Шунинг учун ҳам кўчаларимизда қатнаётган автомобиллар сони кундан-кунга кўпайгани сари, у билан боғлиқ ҳаракатланиш ва фойдаланиш қонун-қоида талаблари тобора такомиллашиб бормоқда. Бундан мақсад транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кишилар ҳаётини бундай кўнгилсизликлардан сақлашдир. Бунда айниқса, автомобилларнинг техник жиҳатдан созлиги муҳим аҳамиятга эга.**

Юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, белгиланаётган чора-тадбирлар хусусида вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техник назорат бўлими бошлиғи Дилмурод Шукуров қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Кўчаларимизда транспорт воситаларининг кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо, улар ҳар тарафдан қатъий назоратга олинмаса, хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан қатор меъёрий-ҳужжатлар қабул қилиниб, ушбу тизим тобора такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги ва "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирининг буйруғи чиқди. Унга кўра, автомобилларни техник кўрикдан ўтказишда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари (ДЙҲХХ) органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек, белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Унга кўра қуйидаги камчилик ва нуқсонлар аниқланган автомобилларнинг давлат рақамлари ходимларимиз томонидан ечиб олинади. Аввало, газ ёнилғисида ишлаш учун рухсатсиз қайта жиҳозланган, шунингдек, барча турдаги транспорт воситалари қайд этиш гувоҳномаларида кўрсатилганидан бошқа турга ўзгартирилганлиги учун рақамлар ечилади.

Фургон, бортли, тентли ва ўзиағдарар юк автомобиллари шассисига цистерна ва кузовлар ёки фургон, цистернали, тентли ва бортли юк автомобиллари шассисига ўзиағдарар, фургон, тентли кузовлар ўрнатган бўлса юқорида белгиланган чора қўлланилади.

Бундан ташқари, бортли, ўзиағдарар, тентли, фургон ва цистернали юк автомобиллари шатакка олувчи транспорт воситаси сифатида қайта жиҳозланса, шунингдек, шатакка олувчи транспорт воситалари ҳам бортли, ўзиағдарар, фургон, тентли ва цистернали транспорт воситалари турига қайта ўзгартирилса, буйруқ талабларига зид ҳисобланади. Тиркамаларга цистернали, фургон ёки ечилмайдиган (туширилмайдиган) махсус мосламалар, юк автомобилларига эса ўзи юк кўтарувчи бортлар, чангаклар ва гидрокранлар ўрнатиш тақиқланади. Бортли юк автомобиллари ва икки ўқли бортли, тиркамаларнинг борти ўрнига ён тиргаклар, юк ҳамда енгил транспорт воситалари ёки автобусларга эса олинмайдиган махсус мосламалар ўрнатиш ҳам меъёрларга зид.

Юк автомобиллари шассисига устахона, мебель, озиқ-овқатлар, саноат моллари ва бошқа юкларни, шунингдек, одам ташишга мўлжалланган фургон-кузовлар ўрнатиш ҳам давлат рақами ечилишига сабаб бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## АМАЛИЙ АНЖУМАН

**ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги 48-умумтаълим мактабида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, халқ таълими ва бошқа ёшлар масалаларига дахлдор бўлган муассаса ва ташкилот вакиллари иштирок этишди. Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, лаёқатсиз ўқувчиларнинг билим савиясини яхшилаш, турли ахборот хуружларидан ҳимоялаш каби масалаларни йиғилганлар кенг муҳокама қилдилар.

**Умида ШУКУРОВА.**

## ИККИТА КУМУШ, ТЎРТТА БРОНЗА

**БЕКОБОД туманидаги 12 ва 21-умумтаълим мактабларидаги каратэ тўгаракларида фаол иштирок этаётган ёшлар вилоят чемпионатида қатнашдилар.**

Мураббий Юрий Тень қўл остида мусобақага тайёргарлик кўрган вакиллардан Отабек Саидвалиев, Муҳриддин Муҳиддинов, Дониёр Акбаралиев ва Ҳусан Муҳаммаджоновлар ўз вазн тоифаларида рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб бордилар. Муросасиз баҳсларда ишончли тарзда иштирок этган ёш спортчилар 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ҲАРАКАТ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТАДИ

**Кўп қаватли уй-жойларни 2012-2013 йилларнинг куз-қиш мавсумига вақтида тайёрлаш халқ турмуши барқарор яхшиланиб боришининг муҳим шартидир. Бу борада уй-жой мулкдорлари ширкатлари катта иш олиб бораётганлигига гувоҳмиз. Уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар яшаш жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кучайиб бориши, уйлар яхши сақланишига самарали таъсир кўрсатаётир.**

Ҳозирги пайтда вилоятимиздаги 6 та шаҳарда 484 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатяпти. Уларга бирлаштирилган 4007 та кўп қаватли уйининг 1785 тасини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир.

Ушбу дастурга асосан уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини амалга ошириш учун 5,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Бу жараёнда ҳозиргача 1 миллиард 575 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиб, шу миқдордаги ишлар бажарилди. Бунинг учун ширкатларнинг ўзи 1 миллиард 416, тижорат банклари 118,7 ва ҳомий ташкилотлар 46 миллион сўм ажратди.

Барча шаҳарларда кўп қаватли уйлар таъмирланмоқда. Чунончи, Ангрен шаҳрида кўп қаватли уйларнинг 12,5 минг квадрат метр том қисми, 800 погонометр узунликдаги иссиқлик, 220 погонометр совуқ сув ва канализация тармоқлари жорий таъмирланди. Хусусан, уй-жой мулкдорлари ширкатларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида акциядорлик тижорат "Ипотека банк"-нинг Бекобод филиали томонидан "Қувват имкон" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига 7,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида жойлашган ташқи муҳандислик тармоқларида, яъни иссиқлик, сув, электр тармоғи ва газ таъминотидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича диспетчерлик хизматлари ташкил этилган бўлиб, сувоқава ва иссиқлик манбаи вилоят бошқармалари томонидан 52 та бригада, 60 та махсус автотранспорт ва 50 та механизм сафарбар қилинган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратура идораларининг аралашуви билан 23 та, шу жумладан, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида 7 тадан, Пискентда 3 та, Ўрта Чирчиқда 5 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тикланишига эришилди.

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган қатъий прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, Бекобод шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган "Восток" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати мансабдор шахслари 2010-2011 йиллар давомида ширкат аъзолари томонидан йиғилган 4,6 миллион сўм аъзолик бадалларини ширкатнинг ғазнасига кирим қилмасдан, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 3 та тақдимнома киритилиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида 30 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди, 6 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлашга қаратилган назорат тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

**Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**вилоят прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси.**

БИТИРУВЧИ – 2012



# МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА – ОЙДИН ОРЗУЛАР БИЛАН

**Навбатдаги ўқув йили якунланиб, қанчадан-қанча битирувчилар мустақил ҳаётга йўлланма олдилар.**

Ўрта Чирчиқ туманидаги Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини 319 нафар йигит-қизлар ихтисослаштирилган бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, бухгалтерия, мактабгача таълим, экология йўналишлари бўйича битириб, таълим масканининг илк қалдирғочлари бўлишди.

Битирувчи ўқувчилар билан касб-ҳунар коллежи ҳамда корхоналар ўртасида уч томонлама шартнома тузилиб, ишга жойлаштириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Бир қанча иқтидорли талабалар эса ўз соҳалари бўйича олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун ҳужжат топширмоқдалар.

**Анора КАРИМОВА.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

**Халқаро тиббий статистика маълумотларига кўра, дунёда ҳар юз йигирма чақалоқдан биттаси юрак нуқсони билан туғилмоқда. Бунга ирсий омиллардан ташқари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ҳомиладорлик даврида хасталаниш ва дори-дармонларнинг нотўғри қўлланилиши каби омиллар сабаб бўлмоқда.**

# ОПЕРАЦИЯ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида йўлга қўйилган ишлар самарасида мамлакатимизда туғма юрак нуқсонини эрта босқичларда аниқлаш ва замонавий тиббий технологиялар ёрдамида соғломлаштириш учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ушбу соҳадаги етакчи замонавий тиббиёт масканидир.

Марказда даволаш ишлари билан бир қаторда халқаро илм-фан марказлари ҳамда клиникалари билан ҳамкорлик ҳам самарали йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорлик доирасида Европа мамлакатларидан келган етакчи мутахассислар билан биргаликда қўшма жарроҳлик операциялари амалга оширилмоқда.

Италия, Буюк Британия ва испаниялик мутахассислар иштирокида ўтказилган навбатдаги операцияда туғма юрак нуқсони билан туғилган тўққиз нафар болага замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатилди.

Италиянинг "Руинити" клиникаси кардиологи Чифредо Маттеонинг айтишича, очиқ усулда юрак операциясини ўтказиш учун юксак тиббий технологиялар, реабилитация тадбирларини олиб бориш учун зарур шароит бўлиши лозим. Ўзбекистон шифохоналарида, хусусан, Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бу борада барча шароитлар яратилгани операцияларни муваффақиятли ўтказишга хизмат қилмоқда.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ОРТИҚЧА ТАШВИШ



Юк автомобиллари, яримтиркама ва тиркамалар контейнер ташувчи турига ўтказилганда ҳам ноқонуний ҳисобланади. Уларнинг кузов ўлчамлари (баландлиги, узунлиги, эни) ўзгартирилганда, шунингдек, автобус ва микроавтобусларнинг ўриндиқлари олиб ташланганда ёки ортиқча ўрнатилганда, шунингдек, юк-йўловчи турига қайта жиҳозланганда автомобиль эгаси бундай ўзбошимчаликни бартараф этишига тўғри келади. Фургон туридаги транспортларнинг йўловчи ташиш турига қайта жиҳозланиши, конструкциясида кўзда тутилмаган ностандарт юкхоналар ўрнатилиши, юк автомобилларининг шассиси (рамаси) пайвандлаш (сварка) йўли билан узайтирилиши, двигатель ва кабиналарнинг алмаштирилиши, уларга бошқа русумдаги автомобиль олди ёки орқа кўприклари ўрнатилиши ҳам рақамларнинг ечиб олинишига сабаб бўлади.

Шаҳарлараро қатнайдиган автобуснинг олдинги ўқига нақши қайта тикланган шина, бошқа ўқига эса иккинчи марта (2-даражали) таъмирлаш йўли билан тикланган шиналар ўрнатилганда, шунингдек, енгил автомобиллар ва автобусларнинг (шаҳарлараро қатнайдиган автобуслардан ташқари) олдинги ўқига иккинчи марта (2-даражали) таъмирлаш йўли билан тикланган шиналар ўрнатилганда ҳам давлат рақамлари олиб қўйилади. Шунингдек, тормоз тизимининг ўзгартирилиши, ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмайдиган қисмлар ўрнатиш, тўхтаб туриш тормозининг қулфловчи мосламасини олиб ташлаш ҳам мумкин эмас. Бошқарув қурилмасидаги қисмлар тузилишида кўзда тутилмаган ўзгартиришлар киритилганда, сони, тури, жойлашуви ва ишлаш тартиби, транспорт воситасининг тузилиши талабига мос келмайдиган ташқи ёритгичлар ўрнатилганда ойна тозалагичлар, газларни чиқариб ташлаш қувурлари (глушитель), товуш мосламаси (сигнал), спидометрлар, орқа томонни кўрсатувчи кўзгулар олиб ташланганда ҳам чора кўрилади. Бундан ташқари, транспорт воситасининг битта ўқига диагонал ва радиал, шунингдек, ҳар хил нақшли шиналар ўрнатиш, юргизгич тузилишига ўзгартириш киритилиши, бошқа турдаги ёнилғида ишлатиш учун қўшимча мослама ва жиҳозлар ўрнатиш ҳам қоидага хилоф. Фалокат юз берган вақтида чиқишга мўлжалланган жойларни маҳкамлаб ташлаш ҳам белгиланган меъёрларга зид ҳисобланади. Бундан ташқари, таркибида кўзда тутилган, ўзи юриб кетганда хавфсизликни таъминловчи орқа бамфер, лой тўсгич ва сачратмагичлар бўлмаган автомобилларнинг ҳам давлат рақамлари ечиб олинади. Бошқа турдаги ёки қўшимча рессорлар ўрнатилганда ва шатак тиркама бўғими эҳтиёт занжирлар (пўлат арқон) билан жиҳозланмаганда, шунингдек, тўла вазни 3-5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларида ва 5 тоннадан ортиқ автобусларда тисарилишга қарши тиргаг (бошмоқ) билан жиҳозланмаганда ҳам рақамлар ечилади. Мотоциклллардаги оёқ тирагич, эгаридаги йўловчи учун кўндаланг тутгич олиб ташланганда ҳам ходимларимиз томонидан белгиланган тартибда чора кўрилади.

Юқоридаги носозлик ва ноқонуний ҳолатлар аниқланганда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан икки нусхада техник кўрикдан ўтказиш далолатномаси тузилади. У вақти ва саналари аниқ кўрсатилган ҳолда ДЙҲХ органи ходими ҳамда транспорт воситасининг ҳайдовчиси (мулкдор, мулкдорнинг вакили) томонидан имзоланади. Бир нусхаси ҳайдовчига аниқланган техник носозликни бартараф этиш ёки ўрнатилган тартибда техник кўрикдан ўтказиш учун берилади ва давлат рақами ечиб олинади. Иккинчи нусхаси транспорт воситасининг давлат рақами билан ДЙҲХ органи ходимида қолади.

Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилиши ҳам мумкин. Бунда давлат рақами ечиб олинмайди.

ДЙҲХ органи ходими томонидан рақами ечилган автомобиль эгасида эътироз бўлган тақдирда, ушбу транспорт воситаси тегишли жойга олиб борилади ва ўрнатилган тартибда техник кўрикдан ўтказилади.

Техник носоз, рухсатномасиз қайта жиҳозланган ёки белгиланган муддатларда кўрикдан ўтмаган транспорт воситасининг ҳайдовчисига далолатнома тузилган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида атомобилини давлат рақамисиз бошқаришга рухсат этилади.

Давлат рақами ечилган қуйидаги транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъиян ман этилади. Хусусан, тормоз тизими ёки руль бошқаруви техник талабларга жавоб бермайдиган, рухсатномасиз газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган, қоронғида фаралар ва орқа габарит чироқлари ёнмайдиган, ёмғир ёки қор ёғаётганда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагичи ишламайдиган автомобиллар шулар жумласидандир.

Бундай автомобиллар устахона ёки сақлаш жойларига фақат эвакуатор ёрдамида олиб борилади. Бунинг учун кетадиган харажатлар автомобиль эгаси ҳисобидан бўлади.

Автомобилдаги камчиликлар бартараф этилганидан сўнг устахона мутасаддилари томонидан транспорт эгасига маълумотнома берилади.

Ушбу маълумотнома далолатнома билан бирга давлат рақамини қайтариб олиш учун тегишли ДЙҲХ органларига олиб борилади. Мазкур маълумотнома тузилган вақтдан бошлаб, автомобилни 24 соат мобайнида давлат рақамисиз ДЙҲХ органларигача бошқариб боришга рухсат этилади. Далолатноманинг муддати эса фақат бир марта 24 соатгача узайтирилиши мумкин.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг техника назорати бўлими диагностика станциялари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмаларининг автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари томонидан ўз навбатида 24 соат мобайнида транспорт воситаларининг ечиб олинган давлат рақамлари тузилган далолатномага илова қилинган ҳолда доимий рўйхатга олинган жойи бўйича ДЙҲХХ органларига юборилади. Агар транспорт воситаси бошқа ҳудудда вақтинчалик рўйхатга олинган бўлса ҳайдовчининг хоҳишига кўра давлат рақамлари ва далолатнома ўша ҳудуднинг ДЙҲХХ органларига юборилиши мумкин.

Шунингдек, бошқа ҳудудлардан келган ҳайдовчилар аниқланган камчиликларни давлат рақами ечиб олинган ҳудудда бартараф этишлари мумкин. Бунда, ечиб олинган давлат рақамлари транспорт воситасининг доимий рўйхатга олинган жойи бўйича ДЙҲХХ органларига юборилмайди. Ҳайдовчига ДЙҲХ органлари ходимлари томонидан бундай имконият борлиги ҳақида тушунтирилади.

Давлат рақами ечиб олинишига сабаб бўлган техник носозликлар ва рухсатномасиз қайта жиҳозланишлар 20 кун ичида бартараф этилса, аниқланган камчиликларнинг ўзи текширилади. Агар уларни тўғрилаш муддати 20 кундан ошса, транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Барча камчиликлар бартараф этилганидан сўнг давлат рақамлари транспорт воситаси эгасига унинг доимий рўйхатга олинган жойида ёхуд юқорида қайд этилган қоидаларга мувофиқ қайтарилади. Бу ҳақда далолатномага белги қўйилади ва автомобиль ҳайдовчиси томонидан имзоланади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**"Билайн" алоқа компанияси ягона оператори томонидан сўнги беш ой мобайнида 750 миллион сўм хайрия тадбирлари учун сарфланди.**

# САХОВАТ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ижтимоий корпоратив масъулият ва хайр-саховат акциялари "Билайн" компанияси фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар спорт, таълим ва маданият соҳаларини қамраб олган. Жумладан, республикамизда ушбу компаниянинг ҳомийлик кўмагида ташкиллаштирилган аньанавий "Асрлар садоси" фестивали ҳамда "Ҳаёт учун!" хайрия марафони юқори савияда ўтказилди.

Компания мамлакат бўйича 7,5 миллион абонентга хизмат кўрсатади. Республикамизнинг турли шаҳарларида унинг офислари ишлаб турибди. "Билайн" ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларнинг ижтимоий ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хайрия тадбирлари доирасида ташкилот болалар, ногиронлар ва ветеранларга кўмак борасидаги ижтимоий акцияларни қўллаб-қувватламоқда.

**"Туркистон-пресс".**

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**Тошкентда Ўзбекистон ва Греция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил қилинди.**



Ўзбекистонда тўқимачилик, тикувчилик ва мода саноатини янада ривожлантиришга бағишланган ушбу анжуман "EurAsia-Fashion – Марказий Осиё билан Европа ўртасида мода саноати соҳасида шериклик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда икки мамлакатнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди. Греция мода саноати уюшмаси президенти Мелетис Карабинисга ҳамроҳ бўлиб келган ишбилармонлар делегацияси сафида Греция тикувчилик саноати уюшмаси, Тикув матолари ва пахта толаси бўйича тадқиқот маркази ҳамда мазкур мамлакатнинг тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи етакчи компаниялари раҳбарлари бор.

Лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад тўқимачилик ва тикувчилик тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашдан иборат.

– Ўзбекистон – тўқимачилик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат, – деди Мелетис Карабинис. – Ўзбекистонда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. Мамлакатингизда барқарор ривожланаётган пахтачилик саноати юртингизда тўқимачилик тармоғининг юксак суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётир. "EurAsia-Fashion – Марказий Осиё билан Европа ўртасида мода саноати соҳасида шериклик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш" лойиҳаси нафақат мамлакатларимиз, балки минтақаларимиз ўртасида тўқимачилик тармоғидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борада ўзаро манфаатли, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистонда ишбилармонларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун барча зарур имкониятлар яратилганидан хабаримиз бор. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Кооперацион биржа давомида Ўзбекистон ва Греция ишбилармонлари икки мамлакатнинг тўқимачилик ва мода саноатидаги имкониятлари билан танишиб, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, бу борада савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

СОЛИҚ ТИЗИМИ

# ҚЎШИМЧА ДАРОМАДНИ ЯШИРМАНГ

**Мамлакатимиз солиқ тизимида замонавий технологиялар кенг қўлланиб, соҳа йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сингари тармоқлар билан узвий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги самарадорликни янада оширмоқда.**



Бу эса жисмоний шахсларнинг қўшимча даромадларини яширишига йўл қўймаяпти.

– Қонунда белгиланганидек, фуқаролар ҳар олти ойда қўшимча даромадлари тўғрисида яшаб турган ҳудудидаги солиқ идораларига маълумотнома тақдим этиб туришлари лозим, – дейди Янгийўл туман ДСИ бошлиғи ўринбосари Элёр Ваҳобов. – Биз бу борада мунтазам равишда корхона, ташкилотлар ва маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилиб, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтириб берилмоқда. Декларация топшириши лозим бўлган фуқаролар аниқланиб, уларга нисбатан керакли чоралар белгиланмоқда. Бугунга келиб, фуқаролардан олинган декларациялар сони 780 тадан ошди.

Фуқаролар декларация тўлдириш ва қўшимча даромадлари тўғрисида маълумотларни солиқ идораларига вақтида тақдим этсалар, ўзларига ортиқча муаммо туғдирмайдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# ОИЛА ҚОРАМОЛЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Мустаҳкам оила йилида кам таъминланган оилаларни кенг равишда қўллаб-қувватламоқда.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Олғабос" маҳалласида яшовчи уч фарзанднинг онаси Замира Бобобекова оиласига қорамол топширилди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази унга меҳнат дафтарчаси очди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

# ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

**Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, "Микрокредитбанк" ҳамда "Агробанк"ОАТБлар ҳамкорлигида имзоланган қўшма қарор асосида "Мустаҳкам оила йили"Давлат дастурининг "Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш, қолаверса, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" ҳамда "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" танловлари эълон қилинган эди.**

"Етакчи" ёшлар ўқув-марказида танловнинг вилоят босқичи доирасида бир кунлик ўқув-семинар ва иштирокчиларнинг бизнес лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Унда иштирок этиш учун ўтган 2011 йилда 35 нафар қатнашчи ариза тақдим этган бўлса, жорий йилда улар сони 50 нафарга етди. Танловга тақдим этилган бизнес лойиҳалар орасида асаларичилик, маиший хизмат кўрсатиш, деҳқон хўжалиги, иссиқхона ташкил этиш, ҳунармандчилик айниқса, инновацион лойиҳаларнинг борлиги иштирокчиларнинг юқори савияда тайёргарлик кўргани, қолаверса, танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошаётганлигидан далолатдир. Тақдимот сўнгида танловларнинг республика босқичида қатнашиш учун 3 тадан 6 нафаргача иштирокчи саралаб олинди. Истиқболли деб топилган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар билан молиялаштириш учун махсус сертификатлар топширилди.

Ўқув-семинар жараёнида иштирокчиларга "Ёш тадбиркор" консультатив маркази тренери томонидан интерфаол усуллар орқали тадбиркорликни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар, бизнес ғоя танлаш методикаси, бизнес режа ёзиш талаблари, кредит сиёсати, бизнеснинг юридик мақоми ва психологиясига доир маълумотлар берилди.

Семинар сўнгида иштирокчилар учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат уюштирилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СПОРТ



**"Турон" яккакураши аждодларимиздан бизгача етиб келган спорт тури ҳисобланади. У соғломлаштирувчи ва тетиклаштирувчи машқлар комплексини ўз ичига олади. Бу спорт тури тарбия ўчоғи бўлиб, ёшлар руҳи ва онгини ошишида муҳим роль ўйнайди.**

**"Турон"сўзи қадимги араб, эрон, форс, турк, ҳинд тилларида чаққон, эпчил, кучли, бақувват маъносини англатган.**

# «ТУРОН» БИЗГА АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

Ўзбекистонда бу спорт турига биринчилардан бўлиб асос солган халқаро тоифадаги спорт устаси Баҳодир Саидов турон яккакурашининг тарихий ва назарий билимларини ўрганиб, унинг кийимидан тортиб, машқ услубларигача шакллантирди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг спортнинг бу тури янада ривожланди. 1994 йилга келиб илк бор чемпионатлар ўтказила бошланди. 1995 йили Россиянинг Москва шаҳрида "Яккакурашлар жанг санъати" биринчи жаҳон чемпионати бўлди. Унда ўзбекистонлик турончилар қатнашиб, ушбу спорт турининг жаҳон жанг санъатлари орасида танилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. 2004 йил 12 сентябрда Осиёда "Турон" яккакураши ассоциациясига асос солинди.

Бугунга келиб, ушбу спорт тури ёшлар орасида оммалашиб улгурди, кўплаб чемпионлар етишиб чиқди.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежидан ҳам бир неча Ўзбекистон чемпионлари ва 5 нафар спорт устаси етишиб чиқди. Улардан Далер Султонов, Сирожиддин Раҳмонов, Абдулазиз Очилов бугунги кунда терма жамоа сафида машғулотларни давом эттиришяпти. 2011 йилнинг декабрь ойида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида бу ўқувчилар юқори натижа кўрсатиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Шу йилнинг май ойида Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида 1995 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида коллежнинг турон бўлими талабалари 4 та 1-, 3 та 2- ва 1 та 3-ўринлар билан қайтдилар.

"Турон" яккакураши ўзбек халқининг миллий спорт тури деб тан олинди ва қисқа фурсатда ривожланиб улгурди. Бу ёшларимизнинг ушбу спорт турига иштиёқи ортиб бораётганидан далолатдир.

**Роза СЕЙТМУРАТОВА,**
**Педагогика университети жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси.**

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

# ТАДБИРЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

**Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилди.**

Ҳафталик доирасидаги тадбирларда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлари иштирок этди.

Тошкент вилоятида ҳам ҳафталик доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларда аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни кучайтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Саломатлик ҳафталиги кунларида кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог, уролог каби ўндан зиёд йўналишдаги мутахассислар вилоятнинг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилган ушбу тадбир замирида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек хайрли мақсад мужассамдир.

– Уюшқоқлик билан ўтказилган Саломатлик ҳафталигида асосий эътибор қария, ногирон ва кам таъминланган оилаларга қаратилди, – дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали раҳбари Камола Тўлаганова. – Баъзи ҳолларда мутахассислар уларнинг уйларига бориб тиббий кўрикдан ўтказди. Тиббий кўрикларни ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар электрокардиография ва ультратовушли ташхис аппаратлари ҳамда бошқа зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Чирчиқ шаҳрида беш минг нафардан ортиқ фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиб, беморларга даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Саломатлик ҳафталиги тадбирлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

BOLALIK BOG`I

## POYTEShA

Zoirjon ustozi darsni tushuntirib bo`lgach savol berdi:

– Ustoz, poytesha nima degani?

Sinfda kulgi ko`tarildi. Ayniqsa, orqada o`tirgan Karim partani chalib, Zoirni kalaka qildi.

Nodira opa:

– Qani, bolajonlar, kim bu so`zning ma'nosini tushuntirib beradi? – deb so`radi.

Sinfga jimlik cho`kdi. O`qituvchi Karimni turg`azdi. U boshini egib turaverdi. Nodira opa belkurak, randa, iskana, poytesha kabi ish qurollarini rangli suratlar asosida tushuntirib berdi, so`ng Alisher Navoiyning "Bilmaganni so`rab o`rgangan olim, orlanib so`ramagan o`ziga zolim", degan hikmatli so`zlarini ta'kidlab o`tdi.

## QURBAQA BILAN PAShShA

Pashsha qurbaqaga qarab maqtandi:

– Biram beso`naqaysanki. Zah, kavak-teshiklarda jon saqlaysan. Mana biz qaerda shirin, mazali taom bo`lsa, o`sha yerdamiz. Odamlar qancha uringani bilan bizni qira olmaydi, – deya maqtandi pashsha.

– To`g`ri, biz shirali taomlardan bahramand emasmiz. Odamlarning osoyishtaligini o`g`irlamaslik uchun tunda ovga chiqamiz, – deya javob berdi qurbaqa.

БУ – ҚИЗИҚ

## ДЕНГИЗ ТУБИДАГИ ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ

Англиялик олимлар Шимолий денгиз тубидан "Британия Атлантидаси"ни топдилар. Хабарларга қараганда, Доггерленд номли ушбу улкан ҳудуд бундан саккиз ярим минг йил аввал цунами оқибатида сув остида қолиб кетган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот ва қидирув ишлари натижасида мазкур ҳудуддан найза, қадимги қўрғон ва тураржойларнинг қолдиқлари топилган.

**ЎзА.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ДОИМО ҲАҚ

**Фараз қилинг, дўкондан замонавий телевизор сотиб олдингиз, аммо, у сифатсиз чиқди. Хўш, бундай ҳолатда қандай йўл тутган бўлардингиз? Дарҳол дўконга элтиб, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қиласиз. Бироқ, сизнинг бу талабингиз қондирилмади. Энди истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига мурожаат этиб, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоялашдан бошқа чорангиз қолмайди.**

Олмалиқ шаҳар 10-уй, 42-хонадонда истиқомат қилувчи С. Сайфуддиновадан шу каби шикоят аризаси келиб тушган заҳоти унинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, телевизор янгисига алмаштириб берилди. Шунингдек 23-уй, 43-хонадонда яшовчи А. Тураповдан келиб тушган шикоят аризасида баён этилишича у харид қилган "Норд" музлаткичи носоз чиққани боис, бирлашмага мурожаат қилган. Унинг аризаси ўрганилиб, хариди "Самсунг" музлаткичига алмаштириб берилди.

Шу каби вазиятларга дуч келганингизда ўз ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун ҳеч иккиланмай истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этинг.

БИЛАСИЗМИ?

# МОШДА ДАРМОН-ДОРИЛАР СЕРОБ



Халқимиз мошли таомларни севиб истеъмол қилади. Мош қувватлилиги ва тўйимлилиги билан алоҳида хусусиятга эга. Шунингдек, ундан тайёрланган овқатлар саломатлик учун ҳам фойдали эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Маълумки, гуруч ва ловияга нисбатан мошда оқсил икки ҳисса кўп бўлиб, унинг таркибида ёғ, крахмал ҳамда бошқа фойдали туз ва витаминлар мавжуд. Масалан, 100 грамм мошда 28 грамм оқсил бўлса, буғдойда 18, гречка ва сулида 14, гуручда атиги 8 грамм экан. Аслида оқсил 20 дан ортиқ аминокислотадан тузилган. Агар оқсил ҳаётнинг тиргаги бўлса, аминокислоталар унинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам организм меъёрида фаолият юритиши учун аминокислоталар жуда зарур. Аминокислоталарни организмнинг ўзи ҳосил қила олмайди. Улар озиқ-овқатлар орқали инсон танасига сингади. Мош аминокислоталарга бойлиги жиҳатидан гўшт ва тухумга яқин туради.

Олимларнинг аниқлашларича, мош таркибида оқсиллардан ташқари ёғ ҳам бор. Мош ёғидаги линолен ва арахидон кислоталари организмда модда алмашинуви жараёнини тартибга солиб туради. Бундан ташқари, ушбу кислоталар қон томир ва юрак касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Таомларнинг тўйимлилиги улар таркибида крахмалнинг кўп ёки озлигига боғлиқ. Шуни эътиборга олсак, мошнинг озуқавий қиймати юқори экани аён бўлади. Мош таркибида кальций, фосфор, темир, магний ва калий сингари минерал тузлар кўплиги билан янада фойдали. Негаки, бу моддалар суяк шаклланиши ва мустаҳкамланишига, нерв тизимига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман мошли таомлар таркибидаги витаминлар инсон саломатлигини яхшилайди.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,**
**тайёрлади.**

# ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚОНУН



Францияда ҳайдовчилар учун янги қонун қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, мамлакатдаги барча юк ва енгил автомобиллар, шунингдек, мотоцикллар ҳайдовчилари ўзлари билан алкотестер мосламасини олиб юриши шарт. Маълумотларга кўра, бу қоида нафақат Франция фуқароларига, балки ушбу мамлакат ҳудудида автомобиль бошқараётган ҳар қандай чет эллик фуқарога ҳам тааллуқлидир. Хабарларга қараганда, мазкур қонун жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб кучга киради. Спиртли ичимлик истеъмол қилинганини аниқлайдиган ушбу мосламани ўзи билан бирга олиб юрмайдиган ҳайдовчига 11 евро микдорида жарима солинади. Соҳа вакилларининг айтишича, ушбу лойиҳа мастлик оқибатида келиб чиқадиган автомобиль ҳалокатларининг олдини олишга хизмат қилади.

**ЎзА.**

# ЯШИРИЛГАН ОЛТИНЛАР



**(ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯ)**

Достонни бошлиқ чақириб қолди. "Нима гап экан?" деб, раҳбари ҳузурига ҳовлиқиб кирган журналист, одатда қовоғидан қор ёғиб юрадиган бош муҳаррирни кўтаринки кайфиятда кўриб, ажабланди.

– Нуқул танқидий мақолалар ёзишга юборасиз деб нолирдинг, – деди бошлиқ, табассум билан Достонга қўл чўзар экан. – Мана, Зарбулоқдаги зўр корхона ҳақида, унинг раҳбари Турғун Турсунов тўғрисида мақола ёзиб келасан...

Зарбулоқ олтин конининг бундан ўн йилча бурун "захираси тугагани сабабли" ёпилиб кетганидан хабардор Достон, бошлиқнинг топшириғига тушунмай, елка қисди.

– Яхши мухбирсану кўп гаплардан бехабарсанда! – дея дашном берган бўлди бош муҳаррир. – Захираси тугаган машҳур Зарбулоқни ҳозир Турғун Турсунов қайта "тирилтириб" юборган. Давлат хазинасига анча-мунча олтин тўкаётган Турғун акага бугун-эрта қаҳрамонлик нишонини тақишлари мумкин... Хуллас, шоввоз кончиларни бир мақтаб ёзиб кел. Бу ишлардан газетамиз четда қолмасин!

Тасодифий топшириқдан эсанкираб қолган Достон, нима қиларини билмай, қабулхонада турганида котиба қиз унинг қўлига сафарномани тутқазди:

– Эрталаб соат еттида сизни дарвозамиз олдида машина кутади...

Қора "Мерседес"да аэропортга етиб келган Достонни, дид билан кийинган, қадди-қомати спортчиларникидек, икки чаккасига сал оқ оралаган киши кутиб олди. У совуқ илжайиб, Достонни қатор тизилган самолётлар қолиб, бир чеккада парраклари айланиб турган вертолёт томонга етаклади. Қандай корхонага кетаётганини, у ерда ўзини қандай тутишни яхши билган Достон, индамай, йўл бошловчининг кетидан эргашди. Вертолётда етти-саккиз йўловчи бўлиб, афтидан улар Достонни кутишаётган эди. Мухбир ўриндиққа ўтириши билан вертолёт ердан узилиб, тоғлар томон йўл олди.

Бироздан кейин вертолёт тўрт томони тоғлар билан ўралган, ёнбағирлари қуюқ ўрмонзор майдонга қўнди. Достон, бу гўзал манзараларни суратга олиш учун фотоаппаратини ҳозирлаганида, бояги киши уни тўхтатди:

– Сизни хўжайин кутаяпти! – деб дарахтларга кўмилган уч қаватли ажойиб саройга бошлади.

Бўйи пастак, миқти гавдали, қирқ ёшлардаги киши Турғун Турсунов эканлиги важоҳатидан, ўзини тутишидан шундайгина кўриниб турарди. Хонанинг салобатидан эсанкираган Достон сўрашиш учун тортинибгина қўл чўзди. Турсунов эса қучоқлашиб кўришди. Достонни ўриндиққа ўтқазар экан:

– Биздек, тарки дунё қилиб, "гадой топмас ерлар"да ишлаб юрган бечора муҳандисни йўқлаб келганингиз учун минг раҳмат, – деди.

Кўрсатилган илтифотлар учун ташаккур айтмоқчи бўлган Достон энди оғиз жуфтлаганида, аллаким қўнғироқ қилиб, Турсунов билан инглиз тилида гаплаша бошлади. Бу орада котиба қиз қаҳва дамлаб келди. Турсунов гўшакни қўйган ҳам эдики, яна телефон жиринглади. У энди немис тилида гаплаша бошлади. Бу мулоқот ҳам кўпга чўзилди. Ниҳоят, телефондан бўшаган Турсунов, чуқур хўрсиниб қўйди:

– Айбга санаманг укажон, бизнинг ишимиз шунақа. Бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ.

Достон мақсадини айтишга аранг улгурди. Хорғингина жилмайган Турсунов:

– Илгари замон зўрға одимлаган бўлса, эндиликда, ўпкасини қўлтиқлаганча, орқа-олдига қарамай югурмоқда. Бунақада эртаиндин нима бўламиз? Буни ҳеч ким билмайди! Укажон, бугун шаҳардан келиб, сиз ҳам дарров мақсадга кўчманг! Бу ерларда уч-тўрт кун юриб, тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиб, дам олинг! Савол-жавоблар қочмас! Зерикканингизда, Турғун ака, энди бизга рухсат десангиз, саволларингизга ҳам, ўзингизга ҳам жавоб берамиз, – деди.

– Эътиборингиз учун раҳмат, Турғун ака! Хизмат сафарим уч кунгина. Корхонангиз менга нотаниш бўлгани учун вақтим етмайдиганга ўхшайди. Шунинг учун мени бирор бир хизматчингиз билан таништириб қўйсангиз-да, у одам билан ишлаб, ўзимга керакли фактларни йиғсам, ишим анча тезлашарди.

Бироз ўйланиб қолган Турсунов жилмайди:

– Кеча бош муҳаррирингиз билан гаплашганда, у киши кончилик соҳасига яқин мухбири йўқлигини айтган эди. "Ўзинг учун ўл етим", деганларидек, бўлажак мақолангизнинг қораламасини тайёрлатиб қўйганмиз. Мақола билан танишинг, лозим бўлса таҳрир қилинг, ёқмайдиган ерларини олиб ташланг, – деб Турсунов ғаладондан тайёр мақолани олиб Достонга узатди...

"Олтин қазувчилар" деб номланган беш варақли мақола шундай равон ёзилган эдики, уни ўзгартирмай, газетанинг навбатдаги сонида босса ҳам бўларди. Шунинг учун уч кунлик сафарни дам олиш билан ўтказишни режалаштирган Достон, ўзига ажратилган шинам хонага кириб, диванга чўзилди, мақолага кўз ташлаб, таниша бошлади.

Унда ёзилишича, беш-олти йил бурун, захираси батамом тугагани учун "консервация" қилинган Зарбулоқ бир гуруҳ геолог ва кончи муҳандислар ташаббуси билан қайтадан "жонланиб", "Бисс" номи билан яна етакчи корхоналар сафига кўтарилган, қанчадан-қанча одамлар иш билан таъминланиб, яхши ҳаёт кечиришаётгани ҳақида ёзилган эди. Бироқ ташаббускор муҳандислар тепасида Турғун Турсунов тургани ҳақида мақолада бир оғиз гап йўқ эди. Буни камтарликка йўйган Достоннинг ўзи шаҳарга қайтгач, тўлдирадиган бўлди. Кечки овқат пайтида у бошлиқдан:

– Турғун ака, қаерда ўқигансиз? – деб сўраб қолди.

– Чет тиллар университетида! – деб жавоб берди ва ундан: – Нега бундай савол бердингиз? – деб сўради.

– Кончи бўлсаларда чет тилларини яхши билар эканлар деб ўйловдим.

– Мен кўп йиллар "Интурист"да таржимон бўлиб ишлаганман. Таржимоннинг кўрган куни қурсин! На уйқунгда ҳаловат ва на моянангда барака бўлади. Соҳани ташлаб, савдо-сотиқ билан шуғулландим. Кейин бу ерларга келиб, ўзимни ота касбига урдим. Мана, Оллоҳга шукр, ёмон бўлмаяпман!..

Сафарга ажратилган уч кунни дам олиб ўтказган Достон, тайёр мақола билан шаҳарга қайтаётган бўлса-да, бироз дили хира эди. Сабаби тоғда жавоби топилмаган баъзи саволлар туғилди. Юрагини кемираётган саволлардан бири, умрида конда ишламаган Турсунов, қайси иқтидори билан ёпилиб кетган Зарбулоқни қайтадан жонлантириб юборди? Унингдек кончи мутахассислар ён-атрофда қуриб қолганмиди? Кончиликдек мураккаб соҳани бу ишбилармон қандай тушунди экан?..

Шаҳарга қайтаётган вертолёт йўлда алоҳида вертодромга қўнди-ю, бир одамни бортига олиб, яна ҳавога кўтарилди.

**Аъзам АЗИМИЙ**

(Давоми бор).

РАССОМ ХАНДАСИ




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-742. Адади 6513. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 12345